Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 24 март сешанба

Сотувда эркин нархда № 62 (1843)

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА ЧОРА-ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Кеча Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг мажлиси бўлди. Мажлисда қўмита аъзолари, Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, солиқ ва молия бошқармалари, республика Марказий банки ва тижорат банклари, мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ижросини Қашқадарё вилояти мисолида ўрганиш натижалари ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Мажлисни қўмита раиси А. Аҳадов олиб борди.

Мажлисда кўрилган масала юзасидан дастлаб Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари О. Хушмуродов, вилоят молия бошқармаси ҳамда вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиқларининг маълумотномалари тингланди.

Мажлисда таъкидланганидек, вилоятда Солиқ кодексининг ижросига оид тадбирлар режаси тузилиб, уни бажариш бўйича муайян ишлар амалга оширилган, Кодексни амалда тадбиқ этишга бағишланган семинар-кенгашлар ўтказилган. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларида бу муҳим ҳужжатнинг моҳияти, аҳамияти хусусида маълумотлар бериб борилган. Лекин шу билан бирга, талай жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганлиги ҳам қайд қилинди. Хўш, бу камчиликлар энг аввало қайси ҳолатларда намоён бўлмоқда? Афсусланарлиси шундаки, молия, солиқ ва банк тизимидаги мутахассисларнинг ҳаммасини ҳам гарчи жойларда семинар-кенгашлар ўтказилган бўлса-да, Солиқ кодекси тўғрисида аниқ тушунчага эга, деб бўлмайди.

Текширишлар жараёнида Солиқ кодексининг амалга тадбиқ этилиши устида олиб борилаётган ишлар талаб даражасида эмаслиги, айрим мутасадди ходимлар ҳатто солиқлар ва тўловлар ҳақида тўла тасаввурга эга эмасликлари, маҳаллий ҳокимликлар томонидан якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларга оид бўлган қайд гувоҳномалари ишлаб чиқиш устида тегишли тарзда иш олиб борилмаганлиги аниқланди.

Солиқ кодексида солиқларнинг у ёки бу турлари бўйича юздан ортиқ имтиёзлар берилган бўлса-да, бироқ молия ва солиқ тизимлари мавжуд имтиёзларнинг самарадорлигини таҳлилий асосда ўрганиб чиқмаганлар. Жойларда молия, солиқ ва банк тизимлари ходимлари томонидан амалий машғулотлар яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли суҳбат асносида аксарият саволларга тўғри жавоблар олинмади. Масалан, Кодекснинг 11 ва 12-моддалари, яъни солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида сўралганда идора ходимлари тегишли жавоб беролмаганлар.

Мажлисда кўрсатилган хато ва камчиликларни бартараф қилиш чора-тадбирлари хусусида тегишли қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда молия вазири Ж. Сайфиддинов, Давлат солиқ қўмитаси раиси В. Беганов қатнашди.

И. ХУДОЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ВИЛОЯТЛАРДА

ДОЛЗАРБ МАСАЛАГА БАҒИШЛАНДИ

Бухоро вилояти фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасида 1997 йил якунлари ва жорий йилда иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштиришга бағишлаб ўтказилган мажлисда ўртага қўйган вазифалар асосида вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни янада жадаллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Йиғилишни вилоят ҳокими С. Ҳусенов бошқарди.

Сўзга чиққанлар ўтган йили бу борада муайян ишлар қилинганини таъкидлаш билан бирга, асосий эътиборни йўл қўйилган хато ва камчиликларни тезроқ бартараф этиш зарурлигига қаратди. Жумладан, 17 та саноат корхонаси йилни зарар билан якунлади, 1,3 миллиард сўмлик маҳсулот сотилмай қолди, айрим жамоа хўжаликлари дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтиришга жиддий эътибор бермаётир. Шунингдек, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, қўшма корхоналарга хорижий сармояларни жалб этишни ҳам талаб даражасида деб бўлмайди.

Йиғилишда Оила йили деб эълон қилинган жорий йилда иқтисодиётнинг барча соҳаларида ислоҳотларни чуқурлаштириш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашни янада яхшилаш, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш бўйича дастур қабул қилинди.

Илҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

ШИЛЛАРИ АЙЛАНАДИ СОАТ

ДУШАНБА ХАБАРЛАРИ

• ИШОНМАЙСИЗМИ?

АФРИКАГА ҲАМ НАВРЎЗ КЕЛДИ

Ишонгинг келмайди, лекин қувончли ҳақиқат: Шўро замонида таъқиб остида бўлган севимли байрамимиз — Наврўз тобора халқаро миқёс касб этмоқда. Бунинг ёрқин мисоли— юртимиздан неча минглаб чақирим узоқликда жойлашган Африка қитъасида ҳам бу йил 21 март куни кўплаб кишилар бир-бирларини Наврўз айёми билан қутладилар, — деб хабар берди Миллий ахборот агентлигимиз мухбири Қ. Очилов. — Хусусан, мамлакатимизнинг Миср Араб Республикасидаги элчихонасининг ташаббуси билан Қоҳирада ушбу байрамга бағишланган катта тадбир бўлиб ўтди. Унда Миср ҳукуматининг, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, хорижлик дипломатлар, маҳаллий ишбилармонлар, санъаткорлар, талабалар, Қоҳирада истиқомат қилувчи ватандошларимиз иштирок этди. Уларга қадим байрамимиз тарихи, халқимизнинг Президент Ислом Каримов раҳбарлигида қўлга киритаётган ютуқлари, тобора мустаҳкамланиб бораётган Ўзбекистон — Миср алоқалари ҳақида сўзлаб берилди. Суҳбатларда буюк алломалар — Имом ал-Бухорий, Аҳмад ал- Фарғоний боболаримизнинг табаррук таваллуд тўйларига юртимизда кўрилаётган катта тайёргарлик ишлари ҳақида ҳам сўз борди.

Яна бир диққатга сазовор жиҳати шундаки, буларнинг ҳаммаси Миср пойтахтининг бобомиз Ибн Сино номи билан аталувчи кўчасида қарор топган муҳташам боғда бўлиб ўтди.

• ХУШ ХАБАР

ИНСТИТУТ ПОЙДЕВОРИ ҚЎЙИЛДИ

Наврўз байрими арафасида Ажиниёз номидаги Нукус педагогика институти талабалари ва муаллимлари ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. Институт янги биносига пойдевор тоши қўйилди, — дея хабар қилади ЎзА мухбири А. Искандаров. — Шарқ меъморчилиги анъаналари асосида бунёд этиладиган бу билим даргоҳи 2000 йилда фойдаланишга топширилади. Унда уч мингга яқин талаба ўқийди.

Шу муносабат билан бу ерда бўлиб ўтган йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқарғи Кенгеси Раиси Т. Камолов қатнашди.

• ҲУРМАТЛИ ТАҲРИРИЯТ!

ЎЗИМИЗНИНГ РОБИНЗОНЛАР

Ҳайрон бўлманг, улар қаерда экан, деб. Оҳангарон туманида Унгут деган қадим бир қишлоқ бор. Шу ерда яшаётганлар гап келиб қолса, ярим чин, ярим ҳазил аралаш «тўрт тарафимиз очиқ бўлса-да, унутилган оролда яшаётганга ўхшаймиз», деб қўйишади.

Аслида қишлоқнинг қоқ марказидан Тошкент-Ангрен темир йўли, ўнг тарафидан эса Тошкент-Қўқон автомагистрали ўтади. Йўл яқинидагиларга бир мунча қулайлик бор, лекин юқори ҳудудда яшаётган икки юз хўжаликли қишлоқ аҳли табиий газ ва ичимлик суви масаласида қийинчиликка дучор бўлаётир. Яна бир ачинарли ҳолни қаранг: темир йўлнинг кесиб ўтганлиги 50 метрлик масофани 5 чақиримга узайтириб, кутилмаган муаммоларни келтириб чиқаряпти.

Озод ХУШНАЗАРЗОДА,
Оҳангарон шаҳри.

• БОЖХОНА

БАШОРАТНИНГ ТЕСКАРИ ТУШИ

Ким билади дейсиз, балки у кечагина кўрган тушининг Фарғонада тескари чиқишини билганида йўлга чиқмасди. Нима қилсин, қандай қилиб бўлса-да, кўзлари олдида молдунё кап-катта тоғ бўлиб кўринаётганди, деб хабар қилади вилоят божхона бошқармаси матбуот гуруҳи бошлиғи З. Йиғиталиев. — Андарҳондаги 5-сонли божхона пости инспекторлари Улуғбек Мамадов ҳамда Шуҳрат Мелибоевлар сменадаги хизматларини божхона назорати ўрнатилмаган айланма дала йўлидан бошлидилар. Буни қарангки, ҳеч қанча вақт ўтмай, «Даймл-Бенц» маркали, давлат белгиси 15 В70-27 автомашинаси келиб қолса бўладими. Назоратдан ўтказилганда унинг ичида 120 яшикда 24 минг дона, умумий қиймати 528 минг сўмлик «Бензилпенициллин» тиббиёт дорилари борлиги, бироқ ҳеч қандай ҳужжати йўқлиги маълум бўлди.

Дастлабки суриштирув давомида божхона назоратини четлаб, айланма йўллар орқали олиб келинаётган шунча тиббиёт дорилари Тожикистон Республикасининг Ўратепа шаҳрида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Башорат Ёдгорова ва унинг қамтовоғи Ихтиёр Йўлдошевларга тегишли эканлиги аниқланди. Ҳозир ушбу воқеа бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Телефонларимиз: 133-15-22, 133-52-55, 133-07-48, 136-37-85

«Соат миллари»ни Норқобил ЖАЛИЛ кузатди.

ЧИГИТ ЭКИШ БОШЛАНДИ

Қува тумани пахтакорлари жорий йилда 10 минг гектар майдонда пахта етиштиришни режалаштирган. Шунинг 4 минг гектарига чигит плёнка остига экилади. Айни пайтда туманнинг қатор хўжаликларида мана шу усулда чигит экиш ишлари бошлаб юборилди. Айниқса, Мамараҳим Раҳматов, Алишер Навоий номли ва «Бўстон» жамоа хўжаликларида бу иш қизғин суръатда олиб борилмоқда.

Мамараҳим Раҳматов номли жамоа хўжалиги уруғчиликка ихтисослашган. Жорий йилда бу ерда 846 гектар майдонда «Фарғона -5» навли чигит уруғи қадалади. Шундан 150 гектарида чигит плёнка остига экилади.

***СУРАТДА:** мазкур жамоа хўжалигининг 1-бригадаси бошлиғи Тоҳиржон Қорабоев, бош агроном Турдиали Эргашев ва бош муҳандис Аҳмаджон Умурзоқов чигит экиш сифатини назорат қилишяпти.*

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА)
олган сурат.



ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида «Ўзбекистон — Иордания» дўстлик жамиятининг таъсис мажлиси бўлди.

Таъсис мажлисида «Ўзбекистон — Иордания» дўстлик жамияти ташаббускор гуруҳи аъзолари, фан ва маданият арбоблари, Иордания Ҳошимийлар подшоҳлигининг мамлакатимиздаги элчихонаси ходимлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Мажлисда жамиятнинг бошқарув органлари сайланиб, жамият низоми қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси нефть ва газ саноати миллий корпорацияси бошқаруви раисининг ўринбосари Худойқул Жумаев мазкур дўстлик жамияти раиси этиб сайланди.

«Ўзбекистон — Иордания» дўстлик жамиятининг таъсис мажлисида Иордания Ҳошимийлар подшоҳлигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Валид Мажид ас-Саад ал-Батайниҳ иштирок этди.

(ЎзА)

МАТБУОТ ВА ЗАМОН

Қоҳирада "Матбуот ва замон" мавзуида халқаро конференция бошланди. Миср Араб Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда ўндан ортиқ мамлакатдан келган журналистлар қатнашмоқда. Конференцияда жаҳонда тинчликни сақлаш, мамлакатлар ва халқлар дўстлигини мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг тобора ошиб бораётган ролини янада мустаҳкамлаш, соҳага замонавий фан-техника янгиликларини жорий этиш, реклама сиёсати мавзуларида фикр юритилади. Конференция давомида иштирокчилар ўзаро тажриба алмашадилар. Улар бу борада Миср оммавий ахборот воситаларида ишлар қандай йўлга қўйилганлиги билан танишадилар.

Икки ҳафта давом этадиган мазкур анжуманда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Телерадиокомпанияси вакиллари ҳам қатнашмоқда.

(ЎзА)

ҚАРОР ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

Ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-банк»да хўжалик судлари қарорларининг тўла ижросини таъминлашга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Республика Олий хўжалик суди, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари, Марказий банк ҳамда тижорат банкларининг масъул ходимлари иштирок этди.

Семинарда таъкидлаб ўтилганидек, кейинги йилларда хўжалик судларининг иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги роли ва мавқеини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 5 февралдаги «Хўжалик судларининг қарорлари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан сўнг уларнинг фаолияти, айниқса, кенгайиб, такомиллашди.

Шу билан бирга, Президентнинг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонида хўжалик судларининг бугунги фаолияти ҳали республикада олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар талабларига жавоб бермаётганлиги қайд этиб ўтилди. Шу муносабат билан уларга иқтисодий ҳуқуқбузарликларга йўл қўяётган хўжалик субъектлари раҳбарларига нисбатан маъмурий, интизомий, моддий ва ҳатто жиноий иш қўзғатишгача бўлган жазо чораларини қўллаш ваколатлари берилди.

Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Марказий банк ва ихтисослаштирилган акционерлик-тижорат «Пахта-банк» ҳамкорлигида «Хўжалик судлари қарорларининг банклар томонидан ижро этилиши ва улар бўйича маълумотларни умумлаштириш тартиби» тасдиқланди. Унинг ижроси эса «Пахта-банк» зиммасига юклатилди.

Бу бежиз эмас. «Пахта-банк» ҳозирги вақтда республиканинг кенг тармоқли ва энг ишончли банкларидан бири ҳисобланади. Янги тартибни жорий этиш мақсадида банкнинг компьютер технологияси ва дастурий таъминот ҳамда юридик бошқармаларида барча маълумотларни компьютер орқали йиғиш ва уларни умумлаштириш дастури ишлаб чиқилиб, вилоят бошқармаларига етказилди. Бу ўз навбатида қисқа фурсатда банкда хўжалик судлари қарорларининг ижроси юзасидан маълумотларни ўз вақтида йиғиб олиш ва умумлаштириш имконини бермоқда.

Ўз мухбиримиз.

Вазирлар Маҳкамасида 1997 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ва 1998 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов 1998 йилни макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий ўсишга ишончли база яратишда ўзига хос алоҳида босқич бўлади, деб айтди.

ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Маълумки, Ўзбекистонда туб иқтисодий ислоҳотлар стратегиясини белгилашда ўтиш даврининг бошларида давлатимиз раҳбари илгари сурган беш тамойил — иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислоҳотчилиги, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат юргизиш ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш асос қилиб олинган эди. 1997 йил якунлари ислоҳотларни амалга ошириш бўйича белгиланган стратегик вазифаларнинг ҳаётийлигини яна бир бор исботлади.

Ислоҳотлар стратегияси бозор иқтисодиётига ўтишнинг қуйидаги асосий йўналишларини ўзида акс эттирмоқда.

Биринчидан, ислоҳотлар мулкий масалалар тўғри ҳал этилиб, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш узлуксиз амалга оширилган, кўп укладли иқтисодиёт барпо этилган тақдирдагина ўзининг салмоқли натижаларини беради. Мулк муносабатларини такомиллаштириш бўйича ҳали ўтиш даврининг дастлабки босқичидаёқ қабул қилинган тегишли қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, шубҳасиз, ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Бу борада «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида», «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунларни ва «Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантиришни таъминлаш тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармонини эслаб ўтишнинг ўзи кифоя. 1998 йил бошига келиб хусусий мулк шаклига оид корхоналарнинг умумий сони 85,4 мингтага етди. Бу — барча корхоналарнинг 46,2 фоизи демакдир. Уларнинг энг кўпи савдо ва умумий овқатланиш тармоғига тўғри келади. Жамоа мулкига оид корхоналар сони эса 71,7 мингтани ёки 38,8 фоизни ташкил этди. Бу жамоаларнинг асосий қисми (33,2 минг) қишлоқ хўжалигига оид корхоналардир.

Шундай қилиб, мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқларида нодавлат сектори жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Ўтган йили ушбу секторда 61,3 фоиз ялпи ички маҳсулот, 73,5 фоиз соф моддий маҳсулот, 59 фоиз саноат маҳсулоти, 99,0 фоиз ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарилди, 71,9 фоиз қурилиш-пудрат ишлари, 95,3 фоиз чакана товар оборoти худди ана шу соҳада амалга оширилди. Халқ хўжалиги нодавлат секторида банд бўлганларнинг умумий сони 71,3 фоизни ташкил этмоқда. Давлат сектори иқтисодиётда ўзининг монопол аҳамиятини йўқотмоқда, кўпқиррали аралаш хўжаликка кенг йўл очилиб, рақобат учун борган сари кенгроқ имконият яратилмоқда. Илгари, яъни шўролар ҳукумати томонидан ҳам иқтисодий ислоҳотлар ўтказилган эди. Аммо улар мулкий муносабатларда чуқур ўзгаришлар ясай олмаганлиги сабабли поёнига етмаган, муваффақият қозонмаган эди. Мулкий муносабатлар яратган бойликларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва ўзлаштириш, инсондаги беқиёс қобилиятларни, имкониятларни рўёбга чиқариш билан боғлиқдир.

Иккинчидан, кичик ва хусусий тадбиркорлик (бизнес)ни рағбатлантириш, қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантириш ислоҳотлар тақдирини белгиловчи шартлардан биридир. Бу, биринчидан, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан бевосита боғлиқ масала бўлиб, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўрта мулкдорлар синфини шакллантиради ва айни пайтда ички бозорни истеъмол моллари ва хизматлар билан таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ўзбекистонда қисқа вақт давомида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг ҳуқуқий шарт-шароитлари ва ташкилий тизилмалари яратилди. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат комиссияси, «Бизнес-фонд», «Мадад» суғурта агентлиги, консалтинг, инжинеринг, лизинг фирма ва компаниялари, бизнес-инкубаторлар иш олиб бормоқда. 1997 йилга келиб мамлакатимизда кичик ва хусусий корхоналарнинг умумий сони 100 мингдан ошиб кетди. Қишлоқ хўжалигида 20 мингдан ошиқроқ деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил топди. Аммо кичик ва ўрта хусусий тадбиркорликка муносабатнинг ҳозирги аҳволини қониқарли, деб ҳисоблаш мумкинми? Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда таъкидланганидек, ҳали бу борада кескин бурилиш ясалгани йўқ. Яна кўплаб кичик ва хусусий корхоналарни ташкил этиш, бу ишга аҳоли шахсий жамғармаларини жалб этиш, шу йўл билан янги иш жойларини барпо этишга нималар халақит бераяпти? Айрим кичик ва хусусий корхоналар, деҳқон (фермер) хўжаликлари моддий техника ва хомашё, узоқ муддатли кредитлар билан таъминлашдаги қийинчиликлар, шунингдек, жойлардаги бюрократик тўсиқ ва ғовлар туфайли ўз фаолиятларини тўхтатаётганликлари сабаби нимада? Гап шундаки, биз ўтмиш сарқити — боқимандалик психологиясидан қутула олмаяпмиз. Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишни ихтиёр этганларнинг аксарияти уни давлат ёки бошқа бировнинг ҳисобидан амалга оширишни хоҳлайди. Тўғри, кичик ва ўрта бизнесни давлат даражасида қўллаб-қувватлашга, барча ривожланган мамлакатларда, жумладан, бизда ҳам алоҳида аҳамият берилаяпти. Аммо давлат томондан ажратилган маблағларнинг ҳам ҳисоб-китоби бор. Қолаверса, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат кўмагидан ташқари яна бошқа йўллари ҳам мавжудки, бугунги кунда улардан унумли фойдаланмоқ зарур.

(Давоми 2-бетда).

ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Масалан, мулкни кафолат сифатида қолдириш ҳисобига ҳар қандай тижорат банкидан кредит олиш мумкин. Бундай имконият бўлмаган ҳолда тадбиркорликни молиялаштиришнинг венчур усулидан фойдаланса ҳам бўлади. Бу вақтда тадбиркорга маблағ ажратган банк, қарздан қутулгунга қадар фирманинг ёки ушбу хусусий ишнинг эгаси бўлиб тураверади. Айрим мамлакатларда кредит иттифоқлари ташкил этилган бўлиб, уларда кичик корхоналар ҳисобидан умумий жамғарма тўпланади ва ундан бир-бирига қарз беришда фойдаланилади. Биз эса шу мақсадга ажратилган 350 миллион АҚШ долларига тенг чет эл кредитининг атиги 1,5 миллионини ўзлаштиролдик, холос. Чунки чет эл кредит линияларига эга бўлиш учун, аввало, пухта ўйланган ва ишлаб чиқилган бизнес-режа ҳамда бизнес лойиҳалар зарур. Умуман олганда, ҳали хусусий ишимизни йўлга қўйишида ҳам, уй-жой, турмуш шароитимизни яхшилашда ҳам кредитлар тизимидан фойдаланиш қонун-қоидаларини тўлиқ ўзлаштирмай туриб, кутилган натижаларга эришиш қийин.

Учинчидан, иқтисодий мустақилликка эришиш, миллий иқтисодиётни барпо этиш, иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири — иқтисодиётда таркибий қайта қуришни амалга оширишдир.

Айни пайтда халқ хўжалигининг амалдаги таркиби собиқ Иттифоқ меҳнат тақсимоти ва ихтисослашуви принциплари асосида шаклланган бўлиб, Ўзбекистонга арзон хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар, стратегик минерал ресурслар етказиб бериш ва саноат марказларида ишлаб чиқарилган тайёр молларни сотишнинг кенг бозори мавқеи ажратилган эди. Халқ хўжалигининг бундай мустамлака таркиби мустақилликнинг дастлабки йилларида, эски хўжалик алоқалари узилиб, янгилари ҳали шаклланиб улгурмаган шароитда мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмади.

Миллий иқтисодиёт халқ хўжалиги таркибига мутлақо янги талабларни қўйди. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тармоқ ва территориал таркибини такомиллаштирмасдан туриб, бой ресурслардан, катта имкониятлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, вужудга келган номутаносибликлар ва зиддиятларга барҳам бериш мумкин эмасди.

Таркибий сиёсат, энг аввало, қишлоқ хўжалик хомашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлашга, технологик циклнинг тугалланганлик даражасини оширишга, мамлакат ёқилғи-энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминлашга қаратилди. Илгари ташқариданкелтирилган юзлаб маҳсулот турлари шу ернинг ўзида ишлаб чиқарила бошланди.

Ички ва ташқи кредит воситаларининг асосий қисми ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун база ҳозирлашга йўналтирилди. Бу автомобиль ва нефтни қайта ишлаш заводлари, янги автомобиль ва темир йўллар, енгил, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатининг ўнлаб янги ва замонавийлаштирилган корхоналаридир. Биргина 1997 йилнинг ўзида Кўкдумалоқ конида компрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Фарғонада ип-йигирув фабрикаси қуриб ишга туширилди. Маълумки, Ўзбекистоннинг саноат қудрати асосан бир неча йирик шаҳарларда тўпланган эди. Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган йирик қурилишларнинг географияси анча кенгайди. Бу сиёсат узоқ вақтдан бери ҳукм суриб келаётган саноат тараққиётидаги регионал номутаносиблик ва зиддиятни сезиларли юмшатди.

Табиийки, иқтисодиётнинг таркибини такомиллаштиришда кампаниячиликка йўл қўйиб бўлмайди, у бирданига такомилига етиб ҳам қолмайди. Бу ўзгаришлар мунтазам давом этадиган ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, улар давр талаби ва иқтисодий сиёсатдан келиб чиқиб, тармоқлараро ҳамда тармоқлар ичида тўхтовсиз давом этаверади. Бозор иқтисодиёти ва фан-техника тараққиёти тан оладиган тармоқлар ривожланиб, маҳсулот ишлаб чиқаришда уларнинг ҳиссаси ошиб бораверади. Аксинча, бозор ва тараққиётга мос келмайдиган соҳаларнинг маҳсулот ва хизматларни яратишдаги улуши пасайиб ёки бутунлай йўқолиб, ўз ўрнини бошқа, илғор соҳаларга бўшатиб бераверади.

Тўртинчидан, бутун халқ хўжалиги тармоқлари орасида айрим тармоқ ва ишлаб чиқариш турларини ривожлантиришга устуворлик бериш ва уларни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тўғри йўл эканлигини ҳаёт исботламоқда. Устувор соҳаларнинг тўғри белгиланиши нафақат илгари тақчил ҳисобланган маҳсулот турларини кенг ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга олиб келади, балки ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштиради, шу билан бир қаторда бутун халқ хўжалигини олдинга силжитади, иқтисодий тараққиётда ўзига хос етакловчи вазифасини ўтайди. Кейинги йилларда мамлакатимизда қайта қуришлар саноатнинг негиз (асос) тармоқларини ривожлантиришни жадаллаштириш, экспорт потенциалини ва четдан келтириладиган маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бозорни халқ истеъмоли ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўйинтириш, коммуникация ва ишлаб чиқариш инфраструктураси тизимини ривожлантириш, инвестицион фаолиятни жадаллаштириш, мамлакатнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтириш ва бошқалар устун йўналишлар сифатида белгиланган эди. Ўтган йили, масалан, халқ хўжалигига ажратилган барча инвестициялар таркибида ишлаб чиқариш тармоқлари ҳиссаси 63 фоизни ташкил этди. Ёқилғи-энергетика саноати тармоқлари саноат инвестициялари умумий ҳажмида 43 фоизни ташкил этди. Транспорт ва алоқа соҳаларини ривожлантиришга мавжуд сармояларнинг 31 фоизи сарфланди. Бу эса ўз навбатида, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришни реал кўрсаткичларда ошириш имконини берди.

Бешинчидан, ислоҳотлар ислоҳот учун ўтказилмайди. Улардан мақсад — ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини узлуксиз ўстириш асосида халқнинг яшаш, турмуш даражасини юксалтириш. Худди ана шу натижалар ислоҳотларга ҳақиқий мазмун касб этади, уларни қуруқ сафсатабозликдан фарқлайди. Мамлакатимизда ўтган йили биринчи марта ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли сони ўсиши даражасидан юқори бўлди. Бу ўта муҳим ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичдир. Натижада ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига 3,2 фоизга кўпайди.

1997 йилда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 5,2 фоизга ўсди. Бундай ўсиш халқ хўжалигининг деярли барча соҳа ва тармоқларига хосдир. Саноат маҳсулоти 6,5, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш эса 5,8 фоизга ўсди. Бу кўрсаткич қурилишда 2,6, савдода 12,7, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида 21,3 фоизга таъминланди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 11,2 фоизга ошди. Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариши ҳажми 12,7 фоизга ўсди. Бу собиқ Иттифоқ ҳудудида юз берган энг юқори ўсиш суръатидир. Шундай қилиб, ўзбек иқтисодий системаси туб ўзгаришлар амалга оширилаётган жараёнда 1990 йил даражасига нафақат эришган, балки ундан анча илгарилаб кетган биринчи ва ҳозиргача ягона иқтисодий системадир.

Шу ўринда яна бир сифат кўрсаткичи ҳақида тўхталмасдан бўлмайди. Саноат маҳсулотлари таркибида тайёр маҳсулот ҳиссаси тобора ўсмоқда. Агар 1990 йилда саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида тайёр маҳсулотнинг ҳиссаси 35 фоизга тенг бўлган бўлса, 1993 йилга келиб 45 фоизни ташкил этди, ҳозир эса 70 фоизга яқинлашиб қолди.

Хўш, иқтисодий ўсиш суръатлари қандай омиллар ҳисобига таъминланмоқда?

Бунда мамлакатимизда ишлаб чиқариш, иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам негиз яратилгани, асосий эътибор иқтисодиёт таркибини бозор муносабатларига монанд такомиллаштирилаётгани, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳиссасининг ошаётгани, капитал маблағлар катта қисмининг моддий ишлаб чиқариш соҳаларида ўзлаштирилаётганлиги, янги техника ва технология билан жиҳозланган саноат объектларининг қуриб ишга туширилаётгани ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Ислоҳотларнинг бошидан ички имкониятларни сафарбар этиш сиёсати иқтисодий ўсишни таъминлашда бош йўналиш бўлиб келди. Энди эса иқтисодий ўсишни молиялаштиришнинг қўшимча, уни тўлдирадиган манбаи бевосита чет эл инвестициялари бўлмоқда. Биргина ўтган йили агар барча капитал қўйилмалар ҳажми қарийб 17 фоизга кўпайган бўлса, хорижий инвестицияларнинг ҳажми 30 фоизга ўсди. Бундан кейин, айниқса, минерал хомашё, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш борасида хорижий ҳамкорларнинг ҳиссаси ортиб боради. Халқ турмуш шароитининг яхшиланиши, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши натижасида, шубҳасиз, келгусида халқ хўжалигини молиялаштиришда аҳоли шахсий жамғармалари ҳам кенг иштирок этади.

Нурислом ТЎХЛИЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

НУҚТАИ НАЗАР

ЎЗИМИЗНИНГ ФОЙДАМИЗ

ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИЧКИ ИМКОНИЯТЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ

Ўзбекистон мустақил иқтисодий ва сиёсий тараққиётнинг ўзига хос йўлидан дадил одимламоқда. Бунинг натижасида республикамиз халқаро майдонда фаолият кўрсатаётган кўплаб молиявий институтларга тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди. Мустақиллик даврида мамлакатимизда Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа Тараққиёт ва тикланиш банки ҳамда бошқа кўплаб нуфузли молиявий институтларнинг ваколатхоналари очилди. Айни вақтда жаҳондаги йирик банклар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма банклар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Буларнинг бариси йирик лойиҳаларни ҳамкорликда ҳал этиш имконини бериб, минтақавий муаммоларни ечишга хизмат қилмоқда.

Халқаро молия институтларидан олинаётган кредитлар, биринчидан, маҳсулотларимиз сифатини яхшилаб, жаҳон бозорига чиқишга ёрдам берса, иккинчи томондан, ишлаб чиқариш билан боғлиқ кўплаб йирик хорижий компаниялар ва ишбилармонлар ўз сармояларини Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция қилишларига кафолат вазифасини ҳам ўтайди. Бу борада ички имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, иш ҳақи ва нафақаларнинг ўз вақтида берилишида етарли нақд пул бўлиши керак. Бунга эришиш ўз қўлимизда.

Бунинг учун мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилишимиз лозим. Шунда, нақд пул қайтиб муомалага тушади. Айни шу ҳол иш ҳақи, нафақа ва стипендия сифатида тўланадиган нақд пул массасига қўшилади.Пировардида республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан мавжуд пул массаси ўртасида мутаносиблик бузилмайди. Шундай қилиб, биз пулимизни тўлалигича ўзимизда товар ишлаб чиқаришга сарфлаган, нақд пул танқислигига йўл қўймай ишлаб чиқариш соҳаларини жонлантирган бўламиз. Бу фуқароларимиз турмуш даражаси ўсди, сўмимизнинг қадри ошди, деганидир. Бу ҳам ташқи, ҳам ички инвестицион имкониятлардан тўла фойдаланган ҳолда ривожланган давлатлар қаторига кўшилишимизни тезлаштиради, деганидир. Бунинг учун, албатта, ҳар биримиз ўзбекона ғуруримизга таяниб, ўз фарзандларимизнинг мукаммал ривожланган давлатда яшашини мақсад қилиб қўйиб, ана шу эзгу ниятга эришиш учун ҳаракат қилишимиз зарур.

Тўғри, газетхонлар: «Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган баъзи товарларнинг сифати яхши эмас», деб эътироз билдиришлари мумкин. Ҳар қандай товарнинг сифатини яхшилаш учун ишчи кучи ва маблағ талаб этилиши аён. Аммо ишлаб чиқарилган маҳсулот истеъмолчилар томонидан харид қилинмасачи? Бу ўринда талаб даражасидаги маҳсулотни тайёрлаш учун барча имкониятлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Агар биз ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилиб, шу орқали корхоналарга нақд пул масаласида ёрдамлашсак, бирданига икки муаммо ечилишига ҳисса қўшамиз. Биринчидан, корхонада ишлаётган ишчилар иш ҳақини вақтида оладилар, иккинчидан, корхонада олинган фойданинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва маҳсулот сифатини янада яхшилашга йўналтириш учун имконият яратилади.

Тан олиш керакки, корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган товарларнинг сифати унчалик ёмон эмас. Пешона теримиз билан ишлаб топган пулларимизни ўз иқтисодиётимиз ривожи учун сарфласак, чет элникидан ҳам яхшироқ товарлар ишлаб чиқара олишимиз мумкинлигини яна бир карра таъкидлаб ўтмоқчиман. Зеро, ҳозирги даврда республика раҳбарияти ва ҳукуматининг асосий мақсади битта: у ҳам бўлса, четдан товар олиб келиш эмас, балки ишлаб чиқарилган товарларимизни хорижга сотиш, ундан тушган маблағ ҳисобига эса замонавий асбоб-ускуналар харид қилишдан иборат. Шуни ҳисобга олган ҳолда технологиялар ва имкониятларимизни ҳам тўғри баҳоламоғимиз ғоят муҳимдир. Ўйлайманки, ушбу мақолада кўтарилган муаммони газетхонларимиз тўғри тушуниб, шу йўлда ҳаракат қиладилар, давлатимиз олдида турган улкан вазифаларнинг оқилона ҳал этилишига ёрдам берадилар.

Тўлқин РАСУЛОВ,
иқтисод фанлари номзоди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАРИ

Шу йил 22 март куни Ўзбекистон Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ўтказган автомобил пойгаси пайтида Самарқанд шаҳрининг Чўпонота мавзесида мусобақа иштирокчиларидан бири автомобилни бошқаролмай қолиб, йўлдан чиқиб кетган ва мусобақани кузатиб турган томошабинлардан бир гуруҳини уриб юборган.

Ушбу ҳалокат натижасида бир неча киши турли даражада жароҳат олган ҳамда шифохонага ёқизилган. Улардан икки киши оғир жароҳат туфайли вафот этган.

Мазкур иш юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, оператив тергов ишлари олиб борилмоқда.

Бу ҳодисани текшириш учун республика комиссияси тузилди.

ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИКЛАРИ «ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Кейинги пайтларда Паркент тумани, шу жумладан Заркент қишлоғи фуқароларидан газ таъминотида узилишлар бўлаётгани, бу эса ўз навбатида аҳолига қўшимча қийинчиликлар туғдираётганлиги ҳақида шикоят хатлар оқими хийла кўпайиб қолди. Уларни таҳририят Тошкент вилоят ҳокимлиги эътиборига ҳавола этганди.

Мазкур масала бўйича вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари жаноб У. Мирзақуловдан жавоб мактуби олинди.

«Ҳақиқатдан ҳам, — дейилади унда, — магистрал газ қувуридан вилоятга келаётган газ босимининг пастлиги сабабли Паркент туманидагина эмас, балки бутун вилоят бўйича газ танқислиги сезилмоқда. Бу ҳолат «Ўзтрансгаз» бошқармаси вилоятдаги кимё, энергетика, қурилиш материаллари корхоналарининг, шунингдек аҳолининг бу борадаги қарзининг 7 млрд. сўмдан ошиб кеттанлиги билан изоҳланмоқда.

Ўзаро ҳисоб-китоб олиб бориш йўли билан дебитор қарзларни камайтириш мақсадида вилоят ҳокимлиги тегишли вазирликларга ва Вазирлар Маҳкамасига ўз таклифларини юборган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, баъзи корхоналар, туманлар аҳолидан газга бўлган тушимни тўлиқ тўлаб, газ етказиб берувчи идораларни қарздор қилиб қўйган бўлсаларда, магистрал қувурларда босим етишмаслиги сабабли «Ўзтрансгаз» бошқармаси белгиланган миқдордаги газ билан таъминлай олмаяпти.

Ҳокимлик ўзаро қарзларни узиш, вилоят ҳудудининг барча шаҳар, туманларида газ босимини кўтариш ва аҳолини газ билан таъминлашни яхшилаш мақсадида зарур тадбирларни кўрмоқда»

НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

«Халқ сўзи»нинг шу йил 3 февраль сонида газетанинг Жиззах вилояти бўйича мухбири Ҳайитбой Набираевнинг «Ғойибдан мадад кутиб бўлмайди» сарлавҳали мақоласи чоп этилганди. Унда «Жиззахчўлқурилиш» бирлашмасининг фаолиятидаги муаммолар хусусида мулоҳаза юритилганди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари жаноб К. Қобиловдан ушбу танқидий мақола юзасидан жавоб хати олинди. Унда таъкидланишича, мақола вилоят ҳокимлигида «Жиззахчўлқурилиш» бирлашмаси раҳбарияти иштирокида муҳокама этилди. Мақолада кўтарилган муаммо ва камчиликлар ҳақиқатдан ҳам бирлашма ва унга қарашли қурилиш ташкилотларида мавжуд.

Бирлашмада бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида 3 та қурилиш трести, автотранспорт ва ишчилар таъминоти бошқармалари тугатилиб, бу ташкилотлардаги ходимлар бирлашманинг бошқа корхоналарига ишга жойлаштирилган. Бирлашманинг молиявий аҳволи чуқур ўрганиб чиқилиб, мавжуд дебитор ва кредитор қарзларни тугатиш, ишларни жонлантириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Бирлашмадаги аҳволни ўнглаш, мақолада ёритилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилишини вилоят ҳокимлиги ўз назоратига олган.

Косонсойдаги пиллакашлик корхонасида ташкил этилган ип йигирув фабрикаси йилига 100 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга. Айни пайтда 80 нафар ишчи меҳнат қиладиган бу корхонада етти хилдаги маҳсулот тайёрланади.

Корхонада ишлаб чиқариш тармоғини янада кенгайтиришга ва шу йўл билан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда жорий йилда бу ерда янги иш ўринлари ташкил этилиб, жами ишчилар сони 200 тага етказилади.

СУРАТЛАРДА: (чапдан) ип ўровчи Тўтихон Нуриддинова; ип йигирувчи Раҳима Ғаффорова; корхона цехларида иш қизғин.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.

СУД ЗАЛИДАН

МЕНИНГ НАФСИМ БАЛОДУР...

Одам боласи нафс кўчасига кирмасин экан. Кирдими, бировнинг ҳақидан кўрқмайдиган, ҳеч нарсадан тоймайдиган бўлиб қоларкан.

Ихтиёр Миралимов енгил ҳаёт кечиришни ўйлаб, балои нафс кўчасига кирганлардан. У бир куни туман марказидаги қаҳвахонага кириб, у ердаги телевизор, видеомагнитафонга кўзи тушди-ю, нияти бузилди. Хаёлидан ўша буюмларни ўмариб, сўнг уларни сотиб мўмай пул топиш кетмай қолди. Ярим тунда қулфни очиб, у ердан видеомагнитафон, видеокассета, сигаретларни, телевизорни гумдон қилди. Орадан бир-икки кун ўтгач, телевизорни 2000 сўмга, видеомагнитафонни 7000 сўмга пуллаб, кайф-сафо қилади.

Жиноят жиноятга уланди.

Бир куни туман маданият ишлари бўлимида ходимларга маош учун банкдан олиб келинган жуда катта миқдордаги пул сейфдан йўқолгани тўғрисида хабар олинди.

Хўш, бу ўғирликни ким содир қилган? Суриштирув ишлари ўз самарасини берди. Маълум бўлишича, маош тарқатилаётган куни бу ерга қариндоши Жамшид Содиқовнинг олдига келган. Хазиначида катта миқдорда пул борлигини кўрган, ҳатто уриниб қолган 5 сўмлик пулларини янгисига алмаштириб олган. Сизларга ўғирликка тушса бўларкан, сигнализацияни қандай узишни биламан, деб ҳазил ҳам қилган.

Ўша куни Жамшид Ихтиёр билан учрашади. Туман маданият ишлари бўлимининг кассасида 90.000 сўм атрофида пул сақланаётганлигини айтади. Хуллас, улар пулни ўмариш учун жиноий тил бириктирадилар ва уни амалга ошириш режасини тузишга киришадилар. Шундай қилиб, икки ҳамтовоқ ўша тунда машъум ниятларини амалга оширишди. Темир шкафнинг қулфини бузишди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари бу жиноятни қисқа фурсатда очишди. Ўғрилар ўз қилмишларига, Ихтиёр Миралимов эса қаҳвахонадаги ўғирлигига ҳам иқрор бўлди. У суд ҳукми билан 9 йилга, Жамшид Содиқов 10 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Яна бир нафс бандаси ҳақида тўхталмоқчиман. У Кўчанбоев Золи бўлиб, ҳеч қаерда ишламайди. Эндигина йигирма икки ёшга кирган бу йигит касб-ҳунар ўрганиши, ёки бирон жойда меҳнат қилиши, тирикчилигини дурустгина ўтказиб юриши мумкин эди. Бироқ унга меҳнат қилиш ёқмас, такасалтанглик қилиб, спиртли ичимлик ичиб, маст-аласт бўлишни афзал кўрарди. Гапни мухтасар қиладиган бўлсак, саёқ юриш унинг учун одат тусига кирган эди. Охир-оқибат бу йўл унга қаттиқ панд берди...

З. Кўчанбоев ярим тунда спиртли ичимлик ичиб, Э. исмли аёлнинг мол-мулкини эгаллаш мақсадида юзига ниқоб тўсиб унинг уйига киради. Ошхонадан пичоқ олиб, ухлаб ётган Э.нинг бўйнига тирайди, ўлдириш билан қўрқитиб, унга ёпишади. У бақира бошлагач, пул беришини, акс ҳолда боласини ўлдиришини айтиб, Э.нинг боласи бўйнига ҳам пичоқ тирайди. Уни таниб қолган ва ўзини ҳамда боласини ҳимоя қилган Э.га тан жароҳати етказади. Лекин ўзининг жиноий ниятини охирига етказа олмай воқеа жойидан қочади. Босқинчи узоққа кетолмади.

Суд Золи Кўчанбоевни айбдор деб топди ва уни жиноятлар мажмуи билан ўн бир йилга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Биз бировнинг қамалишини, жиноятчи деган тавқи лаънатни кўтариб юришини истамаймиз. Фақат айрим кишиларнинг юқоридаги адашган кимсалардек ёмонлик йўлига кириб, жиноят содир этишларига йўл бермасликка ҳаракат қилишимиз зарур, деб ўйлаймиз. Агар биз ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириб борсак, кўзланган мақсадга эришамиз. Ана шунда ёшларимиз ёт таъсирлардан холи бўлиб, ижтимоий фойдали меҳнатга кўпроқ бўй берадилар.

Эшпўлат БЕГМАТОВ,
Тошкент вилояти,Паркент тумани прокурори.

ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!



Қўш карнай,
жўш карнай жўшади,
Овози осмондан
ошади,
Қўнгиллар тўрида
бир садо,
Дарёдир, нур
каби тошади.

Қуёшнинг ҳаваси
келади,
Наврўзнинг навоси
елади,

Заминда чайқалган
кулгулар
Баҳорнинг сафоси
бўлади...

Фарзандлар ўйнайди,
гул бўлиб,
Фалаклар тушади
йўл бўлиб,
Саодат шу эрур —
бизларни
Гулнавруз чорлайди
эл бўлиб.

Тўлқин КАРИМОВ суратга олган.

МЕҲР-МУРУВВАТ ВА ҒАМХЎРЛИК - АСОСИЙ ИШ

ЗАМИНШУНОСЛАРНИНГ ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМИ

Мамлакатимизда Наврўзи олам шодиёналари давом этаяпти. Шундай ўзгача байрам маъракасини республикамиз геологияси соҳасининг фахрийлари ҳам ўз клубларида ўтказдилар. Бу ерда қўшалоқ байрам нишонланди. Маълумки, ҳар йили баҳорнинг бошланишида заминшунослар ўзларининг анъанавий геологлар кунини ҳам байрам қиладилар. Ана шу икки муҳим воқеа фахрийлар тизимига алоҳида бир руҳ ва тароват бағишлади.

Аввало, заминшунос фахрийлар клуби ҳақида бир оғиз сўз. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш — мустақил давлатимиз ривожланиш йўлининг ўзига хос, муҳим тамойилларидан биридир. Эл- юрт кону бойликларини ахтариб топишдек улкан ижтимоий фойдали меҳнатга кучларини сарфлаган одамларни кексайганларида давлатимиз ўз ғамхўрлигига олди. 1991 йилда Тошкентнинг Фурқат кўчасида, Хадра майдони яқинида муҳташам мажмуа қурилди. У ерда ўз сафига 1800 фахрий геологларни бирлаштирган клуб очилди. Мажмуада республикамиз геологияси тарихи ва фаолият йўлини акс эттирувчи экспонатларга бой музей ҳам ташкил этилди. Клуб заминшунос фахрийлар билан доим гавжум. Бу ерда шифобахш гиёҳлар, ноёб тош ва минераллар, маънавият, шахмат ва стол тенниси тўгаракларини мунтазам ишлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Геология давлат қўмитаси раиси Т. Шоёқубов клубнинг аҳволидан доим хабардор. Фахрийлар билан учрашиб, уларга зарур ёрдам ва мададни узмай келаяпти. Тиниб-тинчимас геолог қариялар бинодаги геологлар музейида республикамиз заминшунослари ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи кўргазмалар уюштириб турадилар, ўз бисотларидаги суратларнинг энг тарихийларини саралаб бир неча альбомлар тузадилар. Шунингдек, уйларида авайлаб-асраб келаётган илмий-адабий ва бошқа китоблардан тўплаб кутубхона тузадилар. Клуб ва музейларга тез-тез келиб турадиган заминшуносларнинг янги авлодлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг талабалари учун бу нуроний сиймолар, бу кўргазма ҳамда фотоальбомлар ва кутубхона бойликлари билан танишув алоҳида маънавий ва маърифий аҳамиятли воқеалардандир.

Фахрийлар ҳар йили баҳор бошланиши билан республикамизнинг айрим ҳудудларидаги ерларга шифобахш кўкатлар экиб, янги дарахтлар барпо этиб, Ватанимиз табиатини бойитишга улуш қўшиб келмоқдалар. 1998 йилнинг баҳорида ҳам бу хайрли ишларини давом эттирмоқдалар.

Заминшунос фахрийларнинг анъанаси шу: булар Наврўзи оламни фақат ошу сумалак билан эмас, балки энг аввало, фойдали, бунёдкор меҳнат билан қаршилашни одат қилганлар.

Норқул ЭШМИРЗАЕВ.

Хоразмда кам таъминланган ва серфарзанд оилаларга, етим болаларга, ёлғиз қарияларга меҳр-мурувват кўрсатиш яхши анъанага айланиб қолган. Бу эътибор, айниқса, умумхалқ байрамларида яққол намоён бўлади. Вилоят ҳокими Искандар Юсупов, шаҳар ва туман раҳбарлари Наврўз кунларида кўпгина хоразмликлар хонадонларига ташриф буюрди.

* * *

Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фахрийси урганчлик Ҳожи ота Бобожонов не-не машаққатли, мусибатли кунларни бошидан кечирмаган. Бешта фарзандидан айрилган ота энг оғир, қайғули кунларида ҳам маҳалладошларининг, ишда эса, дўстларининг ҳамдардлиги ва мададидан баҳраманд бўлиб турган. У кейинчалик Урганч ёғ заводида меҳнат қилган Ҳожи ота шу тариқа 36 нафар невара, 4 нафар эварани катта қилган. Байрам совғаларини қабул қилиб олар экан, у халқимизнинг энг яхши фазилатлари - эзгулик, меҳр-мурувват ва муҳтожларга ёрдам кўрсатиш мустақил Ўзбекистонда давлат сиёсати даражасига кўтарилганини мамнуният билан таъкидлади.

* * *

Соли ака Абдуллаевнинг ҳам оиласи катта - фахрийнинг учта уйланган ўғли бор. Йигирмага яқин киши бир дастурхонда таом ейди. Оила бошлиғи вилоят ҳокими билан суҳбатда неваралари ва ўзига олиб келинган байрам совғалари учун миннатдорчилик билдирди.

* * *

Вилоят марказидаги "Беш мерган" маҳалласида яшовчи қизалоқ — Наврўз байрами куни икки ёшга тўлган Хумор Соатова ҳам Хоразм вилояти ҳокими қўлидан совға олди. Унинг бувиси, меҳнат фахрийси Ўғилжон Рўзметова ва онаси, селикат заводи ишчиси Дилбар Соатова тақдир тақозоси билан ёлғиз қолган эди. Лекин улар тақдирдан нолиб ўтирмай, иккита чақалоқни асраб олишган. Бу хонадон эгалари яна бир қизни қарамоғига олиш ниятида.

* * *

— Наврўз байрами арафасида Урганч шаҳрининг ўзида 80 оилага моддий ёрдам кўрсатилди, — дейди шаҳар ҳокими Эргаш Юсупов. — Дастлаб ҳокимлик ходимлари маҳаллалар фаоллари билан биргаликда кам таъминланган оилаларнинг эҳтиёжини ўрганиб чиқди. Шунга қараб, ҳар бир оилага бериладиган ёрдам тури аниқланди. Бундан ташқари, шаҳар ҳокимлиги баҳор байрами кунларида янги оила қурмоқчи бўлган бир неча ёшнинг никоҳ тўйларини ўтказишда иштирок этди.

Т. ШАМАКОВ,
ЎзА мухбири.

АҲОЛИ МАМНУН

Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги Аллохон, Мултукчи, Урганжи ва Оқтепа қишлоқлари аҳолиси учун Наврўз қўшалоқ байрам бўлди. «Истиқлол» жамоа хўжалиги ва туман газлаштириш идораси жамоаси саъй-ҳаракати билан бу қишлоқларга 20 километр табиий газ қувури тортилди. Улардаги мингга яқин хонадон «зангори олов»дан баҳраманд бўлди.

Янгиланиш, яшариш, улғайиш байрами арафасида вилоят бўйича 100 километрдан кўпроқ табиий газ қувури ишга туширилди.

Р. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.

ТАШКИЛОТ

Лак-бўёқ маҳсулотларини
энг арзон нархларда сотади.

1. Цинкли оқ бўёқ	1 кг.	135 сўм.
2. Ёғли кўк бўёқ	1 кг.	130 сўм.
3. Ёғли пол бўёғи	1 кг.	125 сўм.
4. Шифт учун қизил-жигарранг бўёқ	1 кг.	125 сўм.
5. Оқ эмаль	1 кг.	210 сўм.
6. Пол эмали	1 кг.	195 сўм.
7. Кўк эмаль	1 кг.	200 сўм.
8. Олифа	1 кг.	120 сўм.

Улгуржи харидорлар учун нархлар 5% арзонлаштирилган.

Тел./факс (8-3712) 79-85-13, 79-82-12

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ, ФИРМАЛАР РАҲБАРЛАРИ, ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ТОТЛИ ПЕЧЕНЬЕЛАР КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

Туркия ушбу компаниясининг Ўзбекистондаги шўъба корхонаси Оҳангаронда сифатли ун ва бошқа хом ашёлардан ишлаб чиқарилаётган

«ПИКНИК», «КРЕМАЛИ», «ФИНГЕР»

сингари ўн хилга яқин тотли печеньеларни сотмоқда.
Улар катта-кичик ҳажмда, чиройли қилиб қадоқланган. Тарозида тортиб сотиладиганлари ҳам мавжуд.

Aylin
АЙЛИН
ГЫДА САНАЙИ КОМПАНИ

Тошкент, Ниёзбек йўли, 1-уй. 5-қават. («Юлдуз» фабрикаси ёнида).

Тел.: 35-81-00, 34-53-65, 133-44-43, (кечқурун 29-94-22). Факс: 35-80-86.

МАБЛАҒИНГИЗ УЧ БАРАВАР ТЕЖАЛИШИНИ ИСТАЙСИЗМИ?

БИЗНИНГ МУТАХАССИСЛАРИМИЗ БУНГА ҚАНДАЙ ЭРИШИШНИ ТУШУНТИРИБ БЕРАДИЛАР.

DAEWOO C&C

Ўз моделларини мартнинг охиригача 20% гача сийлов билан таклиф этади.

- Сиз бор йўғи 90 минг сўмга идорангиз ёки уйингизга замонавий алоқа тизимини сотиб олишингиз мумкин.
- Номерлари сони 4 дан 128 гача
- Фойдаланиш учун қулай
- Автомат оператор

DAEWOO C&C Сизга фойдали шартларда дилеримиз бўлишингиз учун имкон беради. Харидингизни уч кун ичида етказиб бериш кафолатланади

DAEWOO C&C

Дилерларимиз:

Ҳожабек-Д	Нукус ш.	тел.:(36122)7-57-59, 2-43-40.
OMNI-Telecom		тел.:(3712)79-85-47, 79-85-67, факс:(3712)79-88-02
Райҳоной	Андижон ш.	тел.:(3742)24-28-01
Беш ёғоч		тел.:(3712)40-42-33, 45-62-36
Саркор-Телеком		тел.:(371)132-10-28
ООО«Маркетинг маркази»		тел.:(3712)65-26-44
Артамонов		тел.:(3712)55-31-39
Нур-Альфа		тел.:(3712)45-98-21, 45-76-49
Нодир Истеъдод		тел.:(371)162-01-43, 169-46-13
ЭксПРО DIGITALTECHNOLOGY	Фарғона ш.	тел.:(3732)26-95-89
	Урганч ш.	Тел.:(36222)5-44-40.

Тел.: (371) 132-07-20, 132-07-21, 132-07-22, 68-13-15, 68-86-00, 68-13-69, 68-14-26. Факс: (371) 183-83-31 Дўконлар тел. (371) 144-76-66, 144-77-20, 144-77-21 Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 59 (7 қават)

© РИА «Тошкент-Тайс»

ҚЎНҒИРОҚ ҚИЛИНГ: СИЗНИ АЛОҲИДА ИМТИЁЗЛАР КУТМОҚДА.

CSM

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази маълум қилади:

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА РЕЕСТР ЮРИТУВЧИЛАРГА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Фонд бозорини янада ривожлантириш ҳамда давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига биноан

«... давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига айлантириш жараёнида пайдо бўлган акциялар янги эгаларига белгиланган тартибда сотилгунга қадар биринчи марта жойлаштирилган давлат мулки ҳисобланади;

Акциядорлик жамиятлари томонидан дивидендларни ўтказиш, уларни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган пайтдаги ҳолатига кўра, низом жамғармасининг бошланғич ҳажмига мувофиқ тарзда, мавжуд акцияларнинг тўла суммаси бўйича, акцияларнинг давлатга тегишли, лекин сотилмай қолган қисмини ҳам ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади», бунда эмитент томонидан сотиб олинган, лекин меҳнат жамоаси орасида тарқатилмаган акциялар ҳисобга олинмайди

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 1997 ЙИЛГИ ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАРНИ ҲИСОБЛАШ УЧУН АКЦИЯДОРЛАР РЕЕСТРИНИ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ДАВЛАТГА ТЕГИШЛИ АКЦИЯЛАР ПАКЕТЛАРИГА МУВОФИҚ РАВИШДА ТАРТИБГА СОЛИШИНГИЗ ШАРТ

Масалан:
Сизнинг акциядорлик жамиятингиз акциялари қуйидагича тақсимланган:

Давлат улуши	**- 25 фоиз**
Меҳнат жамоаси улуши	**- 26 фоиз**
Эркин савдо учун ажратилган акцияларнинг сотилмай қолган қисми	**- 24 фоиз**
Чет эл сармоядорлари учун ажратилган акцияларнинг сотилмай қолган қисми	**- 25 фоиз.**

Эркин савдо ва чет эл сармоядорлари учун ажратилган акцияларнинг сотилмай қолган қисми мавжудлиги сабабли давлат мулки улуши 74 фоизни ташкил қилади.

Дивидендлар барча бирламчи жойлаштирилган улушлар бўйича ҳисобланади. Давлат мулкига ҳисобланиладиган дивидендлар акциялар умумий миқдорининг 74 фоизи (25+25+24) бўйича амалга оширилади.

Акциядорлар реестрини нотўғри юритиш ва давлатга тегишли акциялар бўйича дивидендларни нотўғри ҳисоблаш ҳоллари аниқланганда қонунбузарларга нисбатан иқтисодий жазо чоралари қўлланилади, текшириш натижалари эса молиявий ва ҳуқуқ-тартибот органларига юборилади.

ЭЪЛОН

Тошкент вилоят Зангиота туманида рўйхатдан ўтган «Avangard» кооперативининг йўқолган учбурчак ва думалоқ муҳрлари бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати, касаба уюшмаси қўмитаси вазирликнинг «Ташқи иқтисодий алоқалар ва тадбиркорлик» бошқармаси бошлиғи Салоҳиддин Шаҳобовга опалари

Маъмура ШАҲОБОВАнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«Меҳнат» нашриёти жамоаси нашриёт муҳарририят мудири Ромэн Иброҳимовга волидаи муҳтарамаси

ФАРОҒАТ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўсимлик моддалари кимёси институти жамоаси бош муҳандис Алишер Орифжоновга оталари

Қосимжон ОРИФЖОНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзжиҳозбутлаш» ҳиссадорлик жамияти аъзолари корхона бош директорининг биринчи ўринбосари А. Абдуқодировга волидаи муҳтарамаси

САВРИ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

НАВРЎЗ — БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги Камолиддин Беҳзод номли миллий рассомлик ва дизайн институти ҳамда республика рассомлик коллежи пойтахтдаги 21 ва 22-меҳрибонлик уйларига тасвирий санъат соҳасида ҳомийлик қилмоқда. Уларда очилган тўгарак ва махсус курсларда таниқли рассомлар, профессор-ўқитувчи ва талабалар иқтидорли болалар билан машғулот ўтказмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, Наврўз байрами арафасида илк бор ёш ижодкорлар танлови бўлиб ўтди.

Бадиий академиянинг кўргазмалар залида ўтказилган бу танлов «Наврўз — сен менинг баҳоримсан» деб номланди. Унинг иштирокчилари ерга тўшалган қоғозларга ранг-баранг расмлар чизди. Бу расмларда пойтахтимиз манзаралари, боғ ва хиёбонлар, Наврўзга хос тўй ва томошалар, сумалак пишириш, варрак учириш, полвонлар беллашуви ўз аксини топди.

Танлов якунига кўра, Альберт Қутлаҳмедов биринчи, Анна Ивасюк иккинчи, Илья Кримов учинчи ўринни эгаллади. Ғолибларга Бадиий академиянинг диплом ва совғалари топширилди. 22-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Маша Землянская учун эса танлов, айниқса, омадли бўлди. Тасвирий санъатда юксак маҳорат намунасини намойиш этган бу қиз Бадиий академия тавсиясига биноан республика рассомлик коллежига имтиҳонсиз қабул қилинади.

— Болалар чизган расмларда уларнинг беғубор дунёқараши, тасаввури, тафаккури ўз аксини топди, — дейди танлов ҳайъати раиси, Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев. — Бу иқтидорли ёшларнинг келажакда моҳир мўйқалам устаси бўлиб етишишига ишончим комил.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 24 мартдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	55,80	1 Польша злотийси	24,54
1 Австрия шиллинги	6,54	10 Португалия эскудоси	4,51
1 Англия фунт стерлинги	140,49	1 Сингапур доллари	52,59
10 Бельгия франки	22,34	1 СДР	113,00
1 Голландия гульдени	40,85	1000 Туркия лираси	0,35
10 Греция драхмаси	2,61	1 Финляндия маркаси	15,18
1 Дания кронаси	12,07	1 Франция франки	13,73
1 БАА дирхами	22,94	1 Швеция кронаси	10,60
1 АҚШ доллари	84,25	1 Швейцария франки	56,26
1 Миср фунти	24,78	1 ЭКЮ	91,36
1 Ирландия фунти	115,55	10 Жанубий Корея вони	0,60
1 Исландия кронаси	1,16	10 Япония иенаси	6,45
10 Испания песети	5,43	1 Россия рубли	13,82
100 Италия лираси	4,68	1 Украина гривнаси	41,32
1 Канада доллари	59,51	1000 Беларусь рубли	2,52
1 Хитой юани	10,18	1 Латвия лати	141,60
1 Кувайт динори	275,88	1 Литва лити	21,06
100 Ливан фунти	5,51	1 Молдава лейи	17,87
1 Малайзия ринггити	23,53	1 Қирғизистон соми	4,67
1 Германия маркаси	46,02		
1 Норвегия кронаси	11,11		

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Театр

Дилбар ИКРОМОВА:
ҲАЁТДА СОТТИМАСМАН

Ёз эди. Авжи саратон эди. Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрининг таътилга чиқишига саноқли кунлар қолган. Ўша кунлари ҳафтада икки-уч бора «Чимилдиқ» қўйилаётганди. Одамлар гавжум, спектаклнинг мухлислар тилига тушган кезлари. Жуссаси кичик, қалдирғоч қанотидек қошлари ўзига ярашган бу аёлни илк марта ўшанда учратдим. Опанинг бошига ғам тушган, укасининг бевақт вафотидан куйиб, янада кичрайиб кетгандек эди. Улар билан суҳбатлашяпману, хаёлимдан бир фикр нари кетмасди. Шу кайфият билан саҳнага чиқа олармикан бу аёл? Таътилга эса саноқли кунлар қолган.

Бемаврид ғам актрисани адойи тамом қилгандек гўё. Томошабинлар эса бундан бехабар, хотиржамлик билан ўз ўринларини эгаллаётганди. Тўғриси, анчадан буён театрнинг мухлислар билан бу қадар гавжум бўлганини кўрмаган эдим. Спектакль бошланди. Бундан бир неча дақиқа аввал кўрган аёлни саҳнада кўриб, таниёлмадим. Опа бутун ташвишларини саҳна ортида қолдириб, ўйнаётган қаҳрамони руҳига кирган, томошабинларни қулдирар, жамики ташвишларини унутишга мажбур этарди. Актёрлик, санъатга меҳр нималигини ўз кўзим билан кўрдим, англадим. Ана шу истеъдодли актриса — Дилбар Икромова эди.

Кейинги ғал учрашганимизда йўл-йўлакай суҳбатлашиб кетдик. Метрода бир йигит меҳрини ошкор этиб:

— «Келинлар қўзғолони»да зўр ўйнагансиз-да опа! Айниқса, рақс тушадиган жойини,—деди.

Беихтиёр ўша лавҳа кўз олдимга келди. Фармонбибининг нигоҳи келинларни, ҳатто мусиқани-да тўхтатиб қўяди. Ўйинга берилиб кетган Сотти мусиқа оҳангига мос тебранаверади.

— Кинода актёрнинг ҳаракатлари ҳам томошабинга завқ беради,— дедим опага.

— Тўғри, фақат ўша хатти-ҳаракат табиий чиқсагина маъқул бўлади.

— Дилбар опа, нимага «Келинлар қўзғолони»гача кинода қатнашмагансиз?

— Аввало, бу режиссёрга боғлиқ. Қолаверса, ҳар бир актёр ич-ичида ўзига роль беришига ишониб яшаши, қачондир берилажак ролни қойилмақом ижро этишга тайёрланиб юриши керак.

— Дилбар опани Сотти роли кашф қилдими ё Дилбар опа Сотти ролинимми? — деб кўп ўйлайман.

— 1984 йилда Мэлис Афзалов суратга олаётган «Келинлар қўзғолони» фильмига таклиф этишди. Буни кинодаги биринчи ролим, десам ҳам бўлади. Минг шукр, шу ролим мени ҳалққа танитди. Томошабинларга маъқул бўлганидан хурсандман.

— «Маъриф ва Шариф» фильмидаги ролингиздан кейин, сизни комик актрисалар сафига киритдим.

— Билмадим. Лекин қаерга учрашувга борсак, томошабинлар бирор кулгили саҳнани ижро этишимни сўрашади. Англадимки, халқимиз кулгисевар. Мендан сатирага, кулгига мойил роллар кутади. Ҳозир шунга тайёрланиб юрибман.

— Узр. Бояги йигит сабаб, суҳбатни кинодан бошлаб юбордим. Айни кунларда қайси фильмда қатнашаяпсиз?

— Режиссёр Даврон Абдуллаев суратга олаётган «Чапани раж» фильмида. Унда Мурод Ражабов, Ҳусан Шарипов, Ойбарчин Бакирова каби истеъдодли актёрлар иштирок этади.

— Энди театрга қайтсак. Спектакллардаги ролларингизнинг барчаси бўлмасаям, баъзилари ёдимда. Масалан, «Олтин девор»да Дилором, «Уфқ»да Рисолат, «Қутлуғ қон»да Унсин, «Меҳробдан чаён»да Нигор ойим...

— У пайтларни ўзим ҳам ёдга олиб тураман. Устозларнинг сабоғини унутиб бўладими? Бир актёрнинг камол топишида бутун жамоанинг ҳиссаси бор. Устозларнинг маслаҳати, мадади кўнгилга таскин, юракка қувват беради.

— «Чимилдиқ»даги Момо ролида ижодингизнинг янги қирралари очилган.

— Шу роль ўзимга ҳам ёқади. Ҳар гал саҳнага чиққанимда урф-одатларимизнинг нақадар чуқур мазмунга эга эканлигини ҳис қиламан. Уни томошабинга ҳам етказгим келади.

— Айниқса, ўрин солиш, тақинчоқларни тақдим этиш эпизодлари яхши чиққан.

— Шу фикрнинг ўзи биз учун мукофот.

— Агар хафа бўлмасангиз, битта саволим бор.

— Майли, нима экан?

— Саид Аҳмад домла «Келинлар қўзғолони»ни ҳар бир актёр ва актрисанинг табиатини ўрганиб, ролни ўшанга мослаб ёзганман, дегандилар.

Опа кулиб юбордилар.

— Гапингизни тушундим. Бу қитмир саволингизга жавоб бериш қийин эмас. Муаллиф ролни менга атаб ёзмаганлар.

— Ҳа-а. Мен муваффақиятнинг сабаби шундами, дебман.

— Очиғи, ўзим, сотқинларни ёмон кўраман. Ўша учун шунақа ўйнаганман. Ҳаётда Соттига ўхшамайман. Тушундингизми?

— Тушундимгина эмас, жуда хурсандман. Ёшларимизни вафога, жасурлик, мардликка чорловчи спектакллар қўйилишини орзу қиламан.

— Эркаклар оиласига, Ватанига садоқатли бўлсин. Ёлларимиз эрининг измида бўлсин.

— Айтганингиз келсин.

Суҳбатдош:
Абдураҳмон ЖЎРА.

СПОРТ

ҒАЛАБАЛАРИМИЗ — НАВРЎЗГА ҲАДЯМИЗ

Қозоғистонда 1980-85 йилларда туғилган ёшлар ва ўсмирлар ўртасида кикбоксинг бўйича республика очиқ биринчилиги ниҳоясига етди. Унда Ўзбекистон, Туркманистон ва Қозоғистоннинг 460 спортчиси иштирок этди. Мусобақада мамлакатимиздан «Биллур» спорт клуби вакиллари қатнашди.

— Ўсмирлар мусобақасида биринчи марта шу қадар кўп спортчи иштирок этди, — дейди «Биллур» клубининг мураббийси, халқаро тоифадаги спорт устаси Акмал Зокиров. — Шунинг учун ҳам мусобақа жуда қизғин ва қизиқарли бўлди. Қозоғистондан энг кучли спортчилар иштирок этди. Шунга қарамай, 40 спортчимиздан 20 нафари медаль билан қайтди — биз 7 та олтин, 6 та кумуш ва 7 та бронза медални қўлга киритдик.

Шуҳрат Расулов, Козим Олимжонов, Данил Мушинский, Вячеслав Шишкин, Салоҳиддин Тойматов, Камолиддин Каримов ва Илҳом Ғўзабоев олтин медаль соҳиби бўлди. Спортчиларимиз ўз ғалабаларини бизнинг Наврўз байрамига ҳадямиз, дейишмоқда.

(ЎзА)

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛАНМАДИ

Словакия парламенти иккинчи тур овоз беришда ҳам мамлакат Президентини сайлай олмади. Номзодларнинг бирортаси ҳам етарли миқдорда овоз тўплаёлмади. Давлат бошлиғини сайлаш бўйича учинчи марта овоз бериш 16 апрель куни ўтказилади.

ҲУДУДЛАР ҚАЙТА ТАҚСИМЛАНАДИ

Польша ҳукумати мамлакатнинг янгидан маъмурий-ҳудудий жиҳатдан бўлиниши ҳақида қонун лойиҳасини қабул қилди. Ҳозир мамлакат 49 воеводога бўлинган. Бу ерда ҳудудий ислоҳотни амалга оширмасдан иқтисодий тараққиётга эришиш қийин, деб ҳисоблашмоқда. Ҳудудлар бўйича янги тартиб 1999 йилнинг 1 январидан кучга кириши керак.

АСКАРЛАР ЭМЛАНДИ

Қувайтда хизмат қилаётган 6 минг АҚШ аскари Сибирь ярасига қарши эмланди. Умуман, келгусида 36 минг ҳарбий хизматчи эмланиши режалаштирилган.

ТАҚДИРИ ҚИЛ УСТИДА

Россия Давлат Думасида тартибсизлик уюштиргани учун мамлакат прокуратураси В. Жириновскийга нисбатан жиноят иши қўзғаган эди. Уни депутатлик дахлсизлигидан маҳрум қилиш учун 226 овоз керак. «Яблоко», «Россия— бизнинг уйимиз», «Россия регионлари» депутатлик гуруҳлари Жириновскийни дахлсизлик мақомидан маҳрум қилиниши учун овоз беришга тайёр эканликларини билдиришди. Кўпчиликни ташкил этувчи коммунистлар ҳам бу сафга қўшилса, Жириновский тақдири ҳал бўладиқолади.

САМОЛЁТ ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Афғонистон авиакомпаниясига қарашли «Боинг — 747» самолёти Қобулдан 15 километр жанубда ҳалокатга учради. Ҳалокат натижасида 45 киши ҳалок бўлди.

АМАЛИЙ ТАКЛИФ

Сербия раҳбари Милан Милутинович Косовога ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини бериш таклифини илгари суриб, дарҳол музокаралар бошлашга чақирди. Аммо у Сербиянинг ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш тарафдори. Косовога бериладиган ҳуқуқлар Сербия ҳудуди доирасида бўлиши таъкидланди.

ЯНГИ ВАКИЛ ТАЙИНЛАНДИ

Брюсселда НАТО Бош котиби Х. Соланага Россиянинг ушбу ташкилот қошидаги доимий вакили қилиб тайинланган С. Кисляк ваколатномасини топширди.

Хориж оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

ДУНЁ ДАРАКЛАРИ

STELLOR

ДОРИ-ДАРМОНЛАРни

Тошкентдаги омборлардан сотади:

АССОРТИМЕНТ: (дори-дармон турлари)

КАПОТЕН (каптоприл). Испанияда ишлаб чиқарилган, юрак-томирлари учун дори-дармон, ўрамда 26 мг х 40 таб.

ТОТАЦЕФ (цефазолин) - антибиотик Италияда ишлаб чиқарилган ўрамда 1000 мг х 1 флакон.

ПЛЮС "ЮНИОР" ВА С витаминлик ПЛЮС. Венгрияда ишлаб чиқарилган, витаминлаштирилган ичимлик, ўрамида 20 та пишиллайдиган таблеткалар.

ЭФФЕРАЛГАН-УПСА ВА АСПИРИН-УПСА. Францияда ишлаб чиқарилган, оғриқни тез қолдирадиган ва иситмани туширадиган восита, ўрамида 10 та пишиллайдиган таблеткалар.

Саломат бўлинг!

Телефон: (3712) 68-49-21 Факс: (3712) 68-15-66 Пейджер: (067) 69-50
E-mail: stellor1@eastlink.uz

Эркаклар бақувват бўлиши керак

СТАМИНА

Шаҳар дорихоналарига мурожаат қилинг.

Реклама ва эълонлар 136-09-25

ОТАЖ «АВТОАЛОҚА» акционерлари диққатига!

ОТАЖ «Автоалоқа» 1998 йил 22 апрель куни соат 10.00 да «Телеминора» залида жамият аъзоларининг умумий мажлисини ўтказади.

Кун тартиби:

1. Акционерлар жамиятининг 1997 йил иш якунлари тўғрисида ҳисобот.
2. 1998 йил иш режаларини тасдиқлаш.
3. Тафтиш комиссияси ва аудиторлик текшируви якунлари тўғрисида ҳисобот.
4. 1998 йил бўйича дивиденд миқдорини тасдиқлаш ва тарқатиш муддатлари ҳақида.
5. Бошқарув идораси тафтиш ва кузатув комиссияларининг иш юритиш низомини тасдиқлаш.
6. Ҳар хил масалалар.

Кузатув кенгаши.

Ташкилот қуйидаги техника воситаларини ижарага беради:

1. ЭО-9411 русумли экскаватор;
2. КС-3575 русумли автокран
3. ЮМЗ асосидаги экскаватор.

Телефон: 162-78-85

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 01062, 42797 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган, Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ ва Сергей ЛУКИН томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Г. Шермуҳаммад.
Мусаҳҳиҳ — Ф. Усмонов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 21.50 123456